

ШАРАФ КОДЕКСИ

Унинг илдишлари бой тарихимиз, маданий ва маънавий меросимиз илдишларига бориб тақалади

Юртбошимиз И. Каримовнинг барча касб вакиллари олдида қўйган юксак талабларидан бири — ҳалол меҳнат қилиб, бошлаган ишларимизни охирига етказишдан иборатдир. Зеро, ҳалоллик, ўз касбини шарафлаш, эъозлаш ҳар бир касб соҳаси вакиллариининг маънавий мажбуриятларидан ҳисобланади.

Матълумки, одамлар кишилик жамиятининг узоқ тарихи давомида ўзларини ўраб турган оламда муайян тартиб излаганлар. Улар мазкур тартибни топмаган маҳалларда уни ўзлари ўрнашга интилиб яшаганлар. Айни пайтда ҳар қандай одам жамиятдан ажралган ҳолда умр кечирмайди, балки у ўзи мансуб бўлган уруғ, қабила ва жамоанинг вакили каби фаолият кўрсатади. Одамлар ўзларига ўхшаш хусусиятга эга одамларнигина эмас, балки улар билан ўхшаш касб-корга, малакага эга мутахассисларни ҳам қидирганлар. Айнан бир мутахассисликка эга касб эгалари бир-бирларидан муайян ишлаб чиқариш сир-асрорларини ўрганиб ўз олдидан вужудга келиши мумкин бўлган қийинчиликларни биргаликда бартараф этганлар. Шу боисдан кишилар ўртасида муносабат ҳам мазкур касб-корга мувофиқ равишда ўзгариб, яқинлашиб борган. Ушбу яқинлик ўзаро талабчанликни ҳам келтириб чиқарган. Чиндан ҳам бир вақтлар ўзгалар олдида ва жамиятда орттирилган шон-шараф, обрўнинг қалнини асраб-авайлаш учун ахлоқий кураш давом этган.

Худди ана шу тўғайли ҳар бир касб эгалари учун ахлоқий тамойиллар, таълимотлар, ёзилмаган қонулар шаклланиб бошлаган. Зотан, мазкур қонун ва тамойиллар ҳар бир касб эгасини ахлоқий ва касбий таназзулдан, бўҳронлардан сақлаб қолган. Шу йўсинда табиб учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам, ҳуқуқшунос учун ҳам муайян ахлоқ нормалари, талаблари пайдо бўла бошган. Мазкур қадриятлар ана шу касб вакиллари сафларини барқарор этган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ҳам ахлоқнинг хизмати жамиятга қонунчилик ва адолатни ўрнатилиш учунгина эмас, балки уларнинг ўз касбларидаги қадриятлар, ҳалоллик ва покликни мустақамлаш учун ҳам зарур эди.

Ҳаётда ҳар қандай мутахассислик учун ҳам кенг урф бўлган ахлоқийлик талаблари мавжуд эмас. Бироқ халқимиз орасида энг нуфузли касб эгаларининг эса ахлоқ нормалари қондалари мазкур мутахассислик вакиллари томонидан ўта синчковлик билан ҳимоя қилинади. Бунинг сабаби нимда? Назаримизда, бунинг асосий сабаби — ушбу касб вакиллариининг инсон ҳаёти, маънавияти, қадри, қомиллиги билан ўта боғланганлигидир. Чунончи, шундай касблар бўладики, уларнинг вакиллари жамият ва инсонга унчалик катта фойда ҳам, зарар ҳам келтирмайдилар. Яъни улар янгилашган пайтларда мазкур халқимизни тузатса бўлади. Аммо табиб ҳаётда кўпроқ касб эгалари бўлади. Яъники, бундай халқимизни тузатиш, аксарият инсон зотининг қўлидан келмайди. Шунингдек, ўқитувчи-муаллим ҳам беозор ёш авлодни тарбиялашда улкан масъулиятни ўз зиммасига олади. Яъни, башарти бола ўсиб, тарбияланиб билимли, соғлом, қомил инсон бўлиб етишса, жамият, оила, жамоа бундан жуда катта манфаат қўради. Бироқ тарбиясиз қолган боланинг ҳуқуқбузарлик, безорилик қилишга рағбати, имконияти кўпроқ бўлади. Шу боисдан қомил инсон тарбияси ёшликдан бошлаб...

Зикр этилган фикрларни ҳуқуқшуноска нисбатан ҳам қайт этиш мумкин. Ҳуқуқшунос, ҳуқуқшунос юртимизда малакали қонунни муҳофаза қилувчи мутахассис жамиятдаги адолат ва адолатсизлик учун масъул шахсдир. У билди ёки билмай, эҳтиётсизлик билан жиноятга қўл урган ўнлаб кишиларнинг тақдирини ҳал этади.

Агар, борди-ю, бирорта ҳуқуқшунос эгри йўлга кириб қолса, яъни тақдирини касбий одобига баракали таъсир кўрсатган. Ҳар қандай ахлоқ сингари ҳуқуқшунос-ахлоқ ҳам диний қадриятлар оғушида камол топди. Зеро халқларимиз тарихида ахлоқ дин билан боғлиқ бўлган. Ҳатто мамлакатимизга ислом дини қадриятларининг келиб ўрнашиб қолганига қадар ҳам халқларимизнинг ўз динлари — оташпарастлик, буддачилик, зардуштийлик қабила-мавжуд бўлган. Мазкур динлар ҳам инсонни юксак инсонийлик қадриятлари руҳида тарбиялашга даъват этган.

VIII асрдан бошлаб худудларимизда ёйида бошлаган мусулмон дини шу пайтгача урф бўлган динларнинг олий мақомдаги кўриниши каби маънави эгаллаган. Зеро шу пайтгача бир-бири билан унча ботиний боғланмаган урф-одатлар, анъаналар энди яхлит тизим шаклига келтирилган бўлиб, у Қуръонда ўзининг назарий ифодасини топти. Энди одамларнинг бу дунёдаги бой ва камбағал бўлиниши Аллоҳ — Худонинг иродасидир, зеро унинг олдида масъулликлари шох ҳам, гадо ҳам тенг. Шу тарихқа яхшилик муқофоланиб, ёмонлик эса лаянланган.

Албатта, Ислом дини одамларнинг шу дунёда бахт-саодатга эришиш йўллариини излашни чеклаб қўйган эмас. Аксинча, у кишилар абадий олам — у дунёда фароғатга яшашлари учун улар шу дунёда бир-бирларига бардошли бўлиб, мурувват кўрсатишлари лозим.

Табийки, бундай ахлоқ ўзининг дунёвий илдишларида холи эмасди. Яъники, яхшилик истайдиган одам ўзгалар юрғига эзгулик уруғини қалашди, ёмонлик қилган одам эса шунга яраша ажрим олиши даркор. Олам яхшиликка, эзгуликкага тўла, демак, фозил бўлиш учун барча имконият уфқлари мавжуд. Зотан, олий одам, меҳнатқаш учун яхшилик қилиш ёмонликни содир этишдан кўра афзал, фойдали.

Ҳуқуқшуноснинг касбий этикаси ахлоқий муносабатлар, онг ва қадриятлар тўғрисидаги фан сифатида чуқур илдишларга эга. Мазкур илдишлар халқ ҳаёти, умуминсоний қадриятлар сарҳадига бориб тақалади. Шу боис касб этикаси, ахлоқий муносабатлар, онг, амалиёт, тамойиллар, қонун ва қонуниятларни ўрганадиган этика фани билан узвийдир.

Масаланинг тарихига бир назар ташлашлик. Шарқда яшаш хулқ-ахлоқ, одоб юксак қадрланган. Мазкур муаммолар билан жамиятнинг энг илгор, ижодий меҳнат, тафаккур билан шуғулланидиган обрўли кишилари шуғулланишган. Бундай зотлар ичида аксарият файласуфлар, олимлар, шоир ва ёзувчилар, алоҳиётчилар учраб, уларнинг пок қаломлари халққа ҳақиқат ва адолат, фатонат ва нафосатдан сабоқ берган, одамларни эзгуликка қорлаган. Улар барча ҳолларда ҳам инсоннинг қомиллиги, ҳалол ва виждонан қилганин меҳнатга чамбарчас боғлиқ эканлигини қайт этишган. Яъни мазкур алломалар яхшилик қарор топган фозил мамлакатда, жамиятгагина маънавий ва жисмонан қомил инсонлар тарбияланиши мумкинлигини башорат қилганлар.

Чунончи, Абу Нааср ал-Фаробий, илк ўрта аср даврининг ёрқин ва йирик намоёниси ўзининг «Фозил одамлар шахри» деган китобида эзгу хислатларга эга бўлган шахсларнинг сифатлари тўғрисида чуқур муҳокамалар юрғатади. Шаҳар — бу ҳар қандай кишилар, яъни эзгу хислатли одамлар, шунингдек ёмон сифатли кишилар яшайдиган макон. Шаҳарнинг ободлиги яхши хулқ-атвор, одобга эга кишиларнинг савий-ҳаракатларининг маъсулидир.

Ушбу бобимиз Алишер Навоий ҳам эзгу инсоний хислатларни тараннум этган юксак бадиий ва фалсафий асарлар битган. «Яхши кишиларнинг ҳайратланиши» («Ҳайратул абор»), «Қўнғилларнинг севгани» (Маҳбубул қулуб) асарлари унинг бу соҳада қилган буюк хизматларининг гузал намунасидир. Мутафаккир ҳар бир кишининг эрки жамият эрки билан узвийлигини ўқитиб, ўрта аср Шарқи шаъронидида ахлоқсиз ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қиладиган мансабдорларни аёвсиз танқид қилди.

Бинобарин, адолат ва эзгулик салтанатини асослаган фозилларнинг ўзлари энг аввал яхши хулқ-атворли ва бошқаларнинг шодлигига ёрлик, раҳматга имгузорлик кўрсатадиган инсонлар бўлганлар. Шу боисдан уларни эл ардоқлаган.

Албатта, бундай шарқона ахлоқий анъана касбий ахлоққа, жумладан, ҳуқуқ-тартибот ҳодимларининг ҳам

Демак, авваломбор, ҳуқуқшуноснинг ўзи қонунларни ҳурмат қилиши, ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига таъжовуз қилмаслиги, қонунга итоаткор фуқаро бўлиши лозим.

Ҳуқуқшуноснинг касб этикасига риоя қилиши жамият ривожининг турли босқичларида ҳар-хил маъно ва мазмун касб этган. Чунончи, матмурий-буйруқ-бозлик тизими даврида қонунда мустақамланган фуқаронинг ҳуқуқлари тан олинмасди. Бундай ҳолларда «телефон ҳуқуқи» устувор бўлар, партиявий номенклатурадаги шахснинг ҳатто ҳар қандай оғзаки йўл-йўриги ҳам барча «одил судлов»лардан юқори қўйиларди. Ҳуқуқшунос этикасига, унинг жамият олдидаги ахлоқий мажбуриятларига ҳеч қандай эътибор берилмас эди. Бундай ҳолат оқибатсиз қолмади.

Бизнингча, бундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жамиятимизда урф бўлаётган маърифий муносабатларга мувофиқ равишда ҳуқуқшуноснинг шараф Кодекси тамойиллари ҳам шаклланиб бориши лозим. Ҳуқуқшуноснинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимининг мазкур соҳа вакиллари орасидаги ахлоқий муносабатларни ажэтиратидиган қондалар мажмуасини тақлиф этишнинг мавриди келди. Шу муносабат билан ҳуқуқшуноста, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимига қўйиладиган асосий ахлоқий талабларини, уларнинг ўзаро ахлоқий муносабатларини ифодалайдиган Ҳуқуқшуноснинг шараф кодексини тузиш зарур.

Ҳуқуқшуноснинг шараф кодексини назаримизда, ҳуқуқшуноснинг амалий ҳодимларининг давлат хизматини ушлаш пайтидаги ва ундан ташқаридаги — турмуш-таомилдаги, оиладаги, дам олиш пайтидаги, шунингдек бошқа жойларда ахлоқий қондаларини ўзида мужассамлаштириши зарур. Албатта, ҳуқуқшунос фаолиятининг барча жаҳдларини мезонлаштириш қийин. Бироқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳодимларига жамият томонидан қўйиладиган зарурий ахлоқий масъулиятлар уларни ўзларига ва ўз хизматларига муносиб муносабат кўрсатишлари мажбур этади.

Шу аснода, фикримизча, ҳуқуқшуноснинг айрим соҳалари вакиллари — прокурорлар, судлар, терговчилар, адвокатлар, ҳуқуқий маслаҳатчилар, ички ишлар идоралари ходимлари, милициянинг фаолиятига оид шараф кодекслари қабул қилиш мақсадаги мувофиқ бўлади. Мазкур кодекслар мутаносиб мутахассислик вакиллариининг ўз сўзлари — йиғинларида, жумладан, Ўзбекистон ҳуқуқшунослари сўзларида қабул қилиниши мумкин. Кейинчалик мазкур кодекслар барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳалари ходимларининг амалий фаолиятларини намунавий бажариш учун маънавий асос бўлиб хизмат қилган бўларди. Бу ишни ушлаш ҳуқуқий давлатни барпо этиш, давлат хизматчилари ва фуқаролар, тармоқдан ташқаридаги ҳодимлар ва фуқаролар ўртасида маърифий муносабатларни тиклаш ва қарор топтириш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бундай эзгу иш — яхши ниятга, олий мақсад — мудлоага — ҳуқуқшуноснинг барча фаолияти доирасида унинг шарафини қадрлашга хизмат қилар эди.

Ҳозирги кунда ички ишлар идораларида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб олобномаси амал қилиб турибди, яъни ахлоқининг маърифий қондаларини ўрнатилга муайян ҳаракат қилинди (Ички ишлар вазирининг 1993 йилнинг 12 декабрда 446-Буйруғи билан мазкур ахлоқий қондалар кодексини тасдиқланган).

Шундай қилиб, малакали ҳуқуқшуноснинг, амалий ҳодимнинг шарафини эъозлаш фақатгина Ҳуқуқшуноснинг шараф кодексини қабул қилиш воситаси билангина амалга ошириши мумкин, деб ўйлаймиз.

У. ТОЖИХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
академияси бошлиғи.



Тўрақўрғондаги «Ширинлик» мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхонаси Италияда тайёрланган ускуналар билан жиҳозланганда сўнг ишлаб чиқариш қуввати янада ошди. Энди корхона йилга 20 минг тонна олма, беҳи, нок, қарам, пийвэ, сабзи, қизилча, картошка қурита олади.
Корхона қошида маданият саройи ишлаб турибди. Унда ўнлаб тўғараклар фаолият кўрсатапти.
СУРАТЛАРДА: (ўнгда) цех бошлиғи Ҳабибхон Азамов ва ички тўғараклар фаолият кўрсатапти.
Мавлуда Миртожоева; маданият саройининг ташқи кўриниши.
Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган суратлар.

• Камолитдин БЕҲЗОД таваллудининг 540 йиллиги олдидан ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН МУСАВВИР

Ўзининг тақрорланмас ижоди, гузал, нафис санъати ва ажойиб маҳорати билан нафақат Шарқ халқлари, балки бутун дунё халқлари маданияти тарихида чуқур из қолдирган, тасвирий санъат оламида баракали ижод қилган Камолитдин Беҳзод Хиротда хушроқ оқибатга дунёга келди.

Беҳзод Амир Рухило, Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Мирзо сингари маърифатпарвар олим ва ижодкорлар даврасида моҳир санъаткор, наққош ва мусаввир сифатида танилди. У ўз давригача бўлган тасвирий санъат соҳасида эришлаган ютуқларни мукамал эгаллади. У дастлаб фаолиятини Алишер Навоий кутубхонасида расмчилардан бошлади. Шейрий мунозара ва ижодий мажлисларда Беҳзоднинг ҳам асарлари муҳокама қилиниб, ҳар ким ўз мулоҳазасини баён этар ва ҳал қилувчи фикри Алишер Навоий айтар эди.

Ҳусайн Бойқаро ўзига қарашли боғлардан бирида Беҳзодга махсус манзил ва ижодхона қурдириб берган. 1487 йилда эса у шох кутубхонасининг китобхона қилиб тайинланди. Беҳзод ўз агрофига истеъдоди ҳаттотлар, наққошлар, музаҳхиблар (сарҳал қилувчи), зарқублар (олтин ўрнатувчи) лавоҳлар (китобга

бевак берувчи), саҳҳофлар (муқоваловчи), жалвалкашларни йиғиб, мислсиз мўжизавор ишлар билан машғул бўлади. Буларнинг ҳаракатлари, ижодлари натижасида Хиротда миниатюра мактаби вужудга келган эди.

Беҳзод ижоди ниҳоятда кенг қамровлидир. У яратган афсонавий қаҳрамонлар тасвирлари, саройдаги дабдалаи ҳаёт ва лирик лавҳалар, замонадошлари портрет — расмлари, табиатнинг дилбар тароватига бағишланган миниатюраларда табиат гузаллиги, инсон характери гонг нозик ва нафис ҳис-туйғулар билан тўлган.

Камолитдин Беҳзод Султон Ҳусайн Бойқаро истагига кўра Саъдий Шерозийнинг «Бўстон» асарига бевак ва миниатюралар чизган. Улардан бири машур «Доро ва чўпонлар» номи миниатюраси Навоийнинг инсонпарварлик ҳайратлари таъсири остида ишланган «Хамса»га ҳам ми-

ниатюралар ишлаган. Ҳозирда улар Британия музейи ва Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги оммавий кутубхона фондларида сақланиб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Беҳзод иллюстрация қилинадиган қўлёзмадан шунанқани сюжетларини танимаганлиги учун истақ қилиб, мен ўз иштироқимдаги ҳар бир отни дарҳол танийман, дейди. Бу миниатюрада қояли тоғлар, баъзи жойлари буталар билан қопланган ям-яшил ўтлоқ, чўпонлар ва отлар ёрқин бўқлар остида бир-бири билан уйғунашиб кетди.

Шарқнинг ажойиб тарихчиси Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига ишланган 8 та миниатюра ҳам Беҳзод қаламига мансубдир. Бу миниатюралар 1467 йилда яратилган бўлиб, уларнинг бири «Хива қалъасининг қамал қилиниши» номи асардир. Бу тасвир ўша давр кийим либослари ва қўрол-аслаҳаларини ўрганишда маълумот беради. Бундан ташқари, Беҳзод буюк шоирлар Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса»га ҳам ми-

Хайрулла ЭРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯНА БИР МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗ ОЧИЛДИ
Сирдарё вилоятида шу вақтгача қозоқ, қирғиз, қорейс миллий маданият марказлари мавжуд эди. Энди вилоятда яшайдиган татар миллатига мансуб фуқаролар ҳам ўз маданият марказларига эга бўлишди. Янги жамоат ташкилоти раиси, журналист Нормурод Качкаевнинг ташкилланишига марказ кўп миллатли вилоятда халқлар дўстлигини мустақамлаш, татар тили ва маданияти қадриятларини ривожлантиришга эътибор қаратади.
Ш. АҲМАДЛИЕВ.

ДОРИ-ДАРМОНЛАР
Ташкилот Тошкентдаги омборидан сотади:
Ампулалари: *рибоксин, АТФ, глюкоза, магнезия, гентамицин, ампиокс.*
Таблеткалар: *аспирин, аналгин, фуразалидон, парацетамол, валериана.*
Тўлов шарти-100 фоиз олдиндан пул ўтказиш йўли билан ёки чек дафтарачалари орқали.
Республика назорат-анализ лабораторияси текширувдан ўтган завод сертификатида.
Телефонлар: 34-75-27, 34-75-79.

ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР, ШИФОХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!
«АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА ТАБОБАТ»
фирмаси Сизларга турли хил касалликларни даволашда қўлланиладиган юздан ортик дори-дармонларни тақлиф этади.

Panadol Tablets
Агар Сизга ошқозон-ичак, тери-таносил, юрак, юрак қонтомирлари, жигар, буйрак, астма ва асаб хасталикларини даволашда қўл келадиган дори-дармонлар зарур бўлса, бизга мурожаат қилинг!
Сиз бизнинг дори-дармонимиздан «Гермед» (Германия), «Стерлинг Хелс» (Буюк Британия), «Аджанта фарма лимитед» (Ҳиндистон), «Крка» (Словения), «Беренгер Ингель Хайм» (Австрия), «ЦИЭХ Польша» (Польша) каби жаҳондаги энг йирик фармацевтика ишлаб чиқариш фирмаларида тайёрланган дори-дармонларни харид қилишингиз мумкин. Шунингдек, фирмамизда етиштирилган шифобахш гиёҳшарбатлар (фитобар), гиёҳлар ва ҳар хил дардлардан даволанишда, юқумли вируслардан сақланишда катта ёрдам берадиган кўпгина малҳамларни ҳам энг арзон нарҳда олишингиз мумкин.

Шошининг.
Сизга зарур бўлган малҳамлар бизда бисёр.
Ҳам арзон, ҳам сифатли.
Фирма сотувдаги барча дори-дармонлар сифатини ва таъсир кучини қаролаётмайди.
Савдо-сотиқ пул ўтказиш ёки нақд тўловларда амалга оширилади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси 1"А"-уй. (Метронинг Фофур Фулом бекати).
Телефонлар: 44-24-34, 40-48-06, 40-44-83.

Театр
МАРДЛАРНИНГ
ЮЛДУЗИ
СЎНМАЙДИ

Абдулхамид Мажидий номидаги Каттақўғон шаҳар ўзбек давлат драма театрида Машраб Бобоевнинг «Қани менинг юлдузим» асари саҳналаштирилди. Премьерада қатнашган санъатшунослар, драматург ва режиссёрлар, кенг жамоатчилик спектакль ҳақида илқ фикрлар айтишди. Театрнинг бош режиссери Равшан Ёриевнинг сўнги йилларидаги ижодий муваффақиятлари алоҳида таъкидланди.

Она образини театрнинг етук санъаткори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаббат Йўлдошева қиёмига етказиб ижро этган. Томошабинларнинг фикрича спектаклнинг ютуқларидан яна бири болалар ролларининг таъсирчан таъкидидир.

Театр шинавандалари асардаги Қўқор ва Қаҳрамон образларининг ижроси тажрибали актёрлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Икром Хонимкулов ҳамда катта истеъдод соҳиб Даврон Қодировларнинг маҳоратларини ҳам ижобий баҳолашди.

Абдузў ҚОШИМОВ, Каттақўғон шаҳар маданият ишлари бўлими ходими.
Мўслим ТОШЕВ, Каттақўғон шаҳар Абдулхамид Мажидий номидаги ўзбек давлат драма театри адабий эммакдони.

Мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги олдидан

Анджонлик жадидлар ўша оғир ва мураккаб даврда Фарғона vodiysida олий мактаб — политехника институти очиб гоёсини қатъий тарзда илгари сурганлар. Уша эзгу интишти амалга ошириш мақсадида 40.000 сўмдан иборат хайрия жамғармаси ташкил этилган.

Энг муҳими, андижонлик жадидлар катта жасорат билан чор мақамаларида кенг илди отган иллатларни фож этишган. Хусусан, Убайдулла Хужаев ўз номидан генерал-губернатор Куропаткинга йўллаган аризасида мақома турлари орасидаги товтамачилик ва порухурилик ҳақида ёзди.

Оқоридаги сатрлар Рустамбек Шамсиддиновнинг яқинда «Мерос» номи илмий-маърифий марказ томонидан чоп этилган «Тарихга бир назар» номи рисоласининг дебючасидан олинди.

Мазкур рисола истиқлол курашчиларининг фидойилиги ҳақидаги шунчаки ҳикоялардан иборат эмас. Унда тарихнаманинг ўғишмишга нукта назари атрофида акс этган. Рисолада Чўлпон, Расулжон Раҳимов, Усмонжон Эшонхўжаев, Абдурахим Юсуфзода, Усмонхўжа Пулатхўжаев, Мансур Мирзақомилларнинг гоёт сермаз муң фаолияти алоҳида-алоҳида тарихий лавҳаларда берилган. Ватанга, халққа чексиз садоқат

туйғуси бу лавҳалар узра қизил ип каби ўтган.

Муаллиф истиқлол фидойиларининг жўшқин воқеаларга бой таржиман ҳолларини

ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИЛАРИ ҲАҚИДА АСАР

тиклаш баробарида тарихимизнинг долзарб масалалари хуусида мушоҳада юрғидади. Асардаги «Жадидчиликнинг пайдо бўлиши», «Марказий Осиёда миллий истиқлол учун кураш тарихи масаласига доир (1917—1934)» деб номланган боллар алоҳида диққатга сазовордир.

Рисолада жадидчилик масаласи узига хос тарзда таҳлил қилинади. Шақланиб келётган миллий буржуазиянинг интилиш ва манфаатларини ифода этган жадидчилик ҳаракати Туркистон халқини саводли, маърифатли, тўқ ва фаровон, юртни озод ва обод этиш, мустақил давлатчиликка эришиш, мустамлакачиликка барҳам бериш, миллий истиқлолни қўлга киритиш

учун курашган.
Рисолада ёзувчи Чўлпон, мударрис Абдурахим Юсуфзода, ҳуқуқшунос Убайдулла Хужаев, миллий буржуазиянинг намойендаси Аҳмадбек ҳожи Темирбеков, Акбар Уразаев, Сулаймон Келгинбоев, Олимжон ҳожи Юсупов кабиларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги мутлақо янги маълумотлар илмий истиқомлга қўшилган.

лидан мардикор олиш сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан хатарли эканлигини Давлат Думасига етказишди.
Мана шундай фидойи инсонлар шўро тартиби уюштирган қабиҳ сиёсат қатагончилигининг қурбони бўлганлиги рисолада мутлақо янги ва ноёб ҳужжатлар асосида еритилган.

Китобнинг «Чўлпон ва Андижон матбуоти» бобида улуг ижодкорлар фаолиятининг янги қирралари у ташкил этган «Дарҳон» газетаси мисолида очиб берилган.

Рисоланинг «Марказий Осиёда миллий истиқлол учун кураш тарихи масаласига доир» деб аталган бобида ҳам муаллифининг тарих ҳақидаги мушоҳалалари берилган.

Мустақил Ўзбекистонда истиқлол мафкураси шақлланаётган ҳозирги даврда юртимизнинг фидойи ўғлонлари жасорати ҳақидаги мазкур рисола алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, истиқлол учун жон фидо этганларнинг номлари мангуликка дахилдордир.

З. ҚУТИБОЕВ,
О. НИЁЗОВ,
С. ИСАЕВ,
Бобур номи Андижон Давлат университети доцентлари.

ҚОРАҚУЛДА ТРОЛЛЕЙБУС ҚАТНАЙДИ

Бундан бир неча ой бурун Қорақул тумани ҳоқими Дониёр Тошев Қорақулда троллейбус қатнови йўлга қўйлади, деганда, кўп-

чилик мийиғида кулган эди. Ўткинчи ваъдалардан бири бўлса керак-да, деганлар ҳам бўлди.

Вақт одил ҳақам деган-

лари тўғри экан. Кўп ўтмай кўчаларда троллейбус сими тортиладиган темир-бетон устунлар келтирилиб, тиклана бошланди. Ҳозир бу

борадаги иш қизғин давом этмоқда. Хуллас, қалдирғоч троллейбус хизматга шай. У яқин келажакда аҳолига хизмат кўрсата бошлайди.

Манон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт
ФУТБОЛ ТУРОНЗАМИН АЁЛЛАРИГА
ҲАМ БЕГОНА ЭМАС

ПОРТЧИЛАРИМИЗ Марказий Осиё ўйинларига тайёргарликни маромига етказишяпти. Енгил атлетикачиларимизнинг бу борадаги ўз олдларига қўйган вазибалари янада улкан. Чунки улар Марказий Осиё ўйинларига, яъни 3-14 август кунлари Гётеборгда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашишди. Найза улоқтиручиларимиз жаҳон чемпионати ва Марказий Осиё ўйинлари олдидан аjoyиб муваффақиятга эришди. В. Парфёнов Гран-При туркумига кирувчи Португалия ва Испанияда ўтказилган халқаро турнирларда уч марта турнир голиби бўлди. В. Зайцев эса бу юртларда ўтказилган учта халқаро турнирда уч бора «бронза» медалини қўлга киритди.

ОЛВОНЛАРИМИЗ греко-рим кураши бўйича-Эронда ўтказилган жаҳон чемпионатида бағишланган. Ёшлар терма жамоалари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида 34 мамлакат полвонлари голиблик учун баҳслашишди. Ўтган йилги жаҳон чемпионатида (Грецияда ўтказилган) самарқандлик Наврўз Усмонов Ватанимизга «кумуш» медал тортиқ этган эди. Бу гаг ёш полвонларимиз совриндорлар қаторидан ўрин олишолмади. Юртлиларимиз орасида Роман Левченко (57 кг) Беларусь, Болгария, Греция, Эрон полвонларини мағлубиятга учратиб, Франция, Арманистон вакилларига ютказди ва дунё биринчилигида бешинчи поғонга кўтарилиб, юқори даража кўрсатди.

ДАТДА футбол эркаклар шугулланган спорт тури ҳисобланади. Лекин кейинги йилларда жаҳон майдонида аёллар футболи ҳам оммавийлашиб борапти, жумладан, Марказий Осиёда ҳам. Туронзамин аёллар футбол клублари ўртасидаги чемпионат бу сафар юртимизда ўтказилди. Унда Тошкентнинг «Чехра» клуби 9 очко жамғариб, голибликни қўлга киритди. Қозонистоннинг «Динамо» жамоаси ҳам шунча очко жамғариб ва тўплар нисбати бўйича ҳам кўрсаткичи «Чехра»никига тенг бўлди. Бироқ, бу жамоалар ўртасидаги ўзаро учрашууда ҳамюртларимиз 1:0 ҳисобида галаба қозонишган эди. Қарағанданинг «Гей» ва Бишкекнинг «Азалия» жамоалари 7 ва 4 очко билан кейинги ўринларни эгаллашди.

ЕСПУБЛИКАМИЗДА ҳар йили авиаҳолокатга учраган «Пахтакор» жамоаси хотирасига бағишланган, 1979 йилда туғилган футболчилардан таркиб топган жамоалар ўртасида «Хотира» турнири ўтказилиши аниқанага айланган. Бу гаги «Хотира» турнирини ташкилотчилар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси ва Чилонзор туман ҳоқимияти ҳомийлигида халқаро турнирга айлантиришга қарор қилишди. 1—11 август кунлари пойтахтимиздаги МХСК, «Тўқимачи» стадионларида ўтказиладиган «Хотира — 95» халқаро турнирига хориздан ҳам тўртта жамоани таклиф этиш мўлжалланаяпти. Халқаро турнирда республикамиздан саккизта жамоа майдонга чиқади.

АНИКЛИ спортчилар ҳаёти, кейинги тақдирини спортсеварларни доим қизиқтириб келган. Шунинг учун ҳам жаҳон матбуоти машҳур спортчилар ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни мунтазам бериб боради. Шу кунларда шахмат бўйича жаҳон чемпиони Майя Чибурданидзе ва Россия терма жамоаси аъзоси, эндиликда Португалияда тўп сураётган футболчи Сергей Юран дунё матбуотидан кенг ўрин эгаллапти. 17 ёшида жаҳон чемпионлигини қўлга киритиб, Гиннсинг рекордлар китобига кирган, 13 йил давомида чемпионлики қўлдан чиқармаган Майя Чибурданидзе эндиликда роҳиб бўлишни ихтиёр этди. Сергей Юран ўтган йили Порто кўчаларининг биринчи шахсий машинасида тўқнашувга учраб, Португалия фуқаросининг ҳалок бўлишига сабабчи бўлганлиги аниқ кунда бу иш бўйича суд иши давом этапти. Дастлабки ҳулосаларга кўра Юранни уч йил муддатли қамоқ жазоси кўтипти.

Р. ЭРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

АТИС корпорацияси
Тошкент бўлими
Ҳамма турдаги электр двигателлари:
умум саноат портлашдан хавфсиз юқори вольтли 0,12 дан 2000 кВт.гача.
Автомат учирғичлар (АП, АЕ, АК, ВА).
Электр магнитли улагичлар (ПМА, ПМЕ, ПМЛ, ПМ).
Контактлар (КТ 6022, КТ 6033).
Люминесцентли ёритғичлар (Россия ва чет элларда ишлаб чиқарилган) 1/40, 2/40, 4/40, 1/20, 2/20, 4/20
Лампалар— ЛВ/ЛД 40W, 20W.
Хона шипица осиб қўйиладиган ёритғичлар.
Тошкентдаги омбордан олиб бориб ўрнатиб берилиши мумкин.
Харидорнинг вакили муқофот олади.
Манзил: Академиклар шаҳарчаси, энергетика ва автоматика институти.
Тел./факс: 66-00-48.

Ўзбекистон - Америка
Ал-Фаросайт қўшма корхонаси
Сизлар учун махсус!
Америкадан тўғридан—тўғри қўйидагиларни етказиб беради:
-SAMSUNG ER-100, ROYAL-125 NX назорат касса аппаратлари;
-нақд пулга назорат касса аппаратлари учун эни 57 мм. ли қозоқ;
-486/DX/40, 486/DX2/66 компьютерлари;
-компьютернинг бутловчи қисмлари.
"Афросиё" дўқонида компьютер ҳамда телефон электр симларига мўлжалланган махсус фидофларни сотиб олишингиз мумкин
Шунингдек, қўшма корхона компьютерларни ҳамда назорат касса аппаратларини ўрнатиш, сошлаш ва қафолатли таъмирлаш ишларини амалга оширади.
Бизнинг асбоб—ускуналаримиз сифат сертификатларига тўлиқ жавоб беради.
Америка компьютер техникаларининг энг яхши намуналари.
Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Мўлжал-А.Навоий номи театр қаршисидаги "Афросиё" дўқонидаги Ал-Фаросайт махсус бўлими.
Маълумот учун телефонлар: 36-55-18.
Тел./факс: (3712) 33-91-92, 33-65-07.

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН
ва нақд пулга (сўм)
Тошкентдаги омбордан
Баралгин, Фестал, Трентал, Липостабил, Линкоцин, Верошпирон, Гепарин, Ампициллин, Парацетамол, Стрентомицин, Парладел, Сирдалод, Кларитин, Флуцином, Полижинакс, Супрадин, Роцифин, Панадол, Колдрекс, Солкосерил, Анизартрон, Корданум, Эуффилин, Экстракт валерианлар, АТФ, Валидол, Аспирирн ва бошқа кўп турли
ДОРИ ДАРМОНЛАРНИ
Хехст АГ (Германия),
Рон-Пуленк (Франция), Анджон (АҚШ),
Гедон Рихтер (Венгрия),
Санавита (Германия), Сандоз (Швейцария),
Шеринг Плау (АҚШ), Иннотек (Франция),
Рош (Швейцария), Гермед (Германия),
Дарница (Украина) ва бошқа йирик хоризжий фирмалар билан тўғридан-тўғри шартнома асосида сотади.
Европа сифати қафолатланади ва энг арзон нархлар таклиф қилинади.
Манзил:
Омбор: Ҳ.Олимжон кўчаси, 5-уй,
тел.: 36-27-74,
(ҳайвонот боғи ёнида, "Ипак йўли" банки биносида).
"Ўзбекистон-Иверсон ЛТД." компанияси,
тел.: 45-12-49.

«ЎЗКООПАШҚИСАВДО»
Тошкент экспорт-импорт базосидан пул ўтказиш йўли билан хоризжий моллакатлардан келтирилган куйидаги молларни сотади:
Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун:
Қора мурч (думалоқ),
Мускат ёнғоғи,
Гвоздики (ширинлик тури),
Агар-агар (ширинлик тури),
Ванилин (ширинлик тури),
Пектинг (ширинлик тури),
Ароматли эффеңция (ширинлик тури),
Тухум кукуни.
Қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун:
45 мм. ва 50 мм. ҳажмли қолбаса қопламаси (бекозин оболочкаси),
Қолбаса аралашмаси.
Махсулотлар улгуржи баҳода ва келишилган нархларда сотилади.
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Жомий кўчаси, 5-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 48-39-67, 48-64-55.

«Тошгаз» шаҳар газлаштириш ва газ билан таъминлаш бошқармасининг шаҳар аҳолисиغا МУРОЖААТИ
Хурматли ҳамшаҳарлар, халқимиз бойлиги бўлган табиий газни қўндалик ҳаётимиздаги ўрнини, яъни унинг арзонлиги, қўлайлиги, қийинчиликлариз таом тайёрлаш ва иссиқ сувлар олишда, хонадонларимизни иситишда ишлатилиши ҳаммамизга маълум.
Лекин, баъзи табиий газдан фойдаланувчилар лоқайдлик қилиб ёки ўз манфаатларини қўлаб, гуё газ қувурлардан дарёдек оқиб келаверади, деб мулоҳаза қилиб, «Тошгаз» бўлинмаларининг рўксатисиз ўзбошимчилик билан ҳар хил қўшимча газ ускуналарини ўрнатиб олмақдалар. Бу эва бошқармаимиз иқтисодиётига, қолверса аҳолини узлуксиз газ билан таъминлашга катта зарар етказмоқда.
Текиришлар вақтида ўзбошимчилик билан газни тайриқонуний равишда улаб олиб фойдаланган хонадонларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз:
1. С. Раҳимов тумани Сағбон 11-тор кўчаси 17-уй Исоқов 4 кўзи газ плитаси ва АГВ-80 иситиш қозонини ўзбошимчилик билан газ тармоғига улаб олган.
2. Юнусобод тумани Нурмухамедова кўчаси 25-уй Раҳбаров ҳаммом учун сув иситиш қозонини улаб олган, техник шароитлари тўғри келмайдди.
3. Бектемир тумани А. Мин кўчаси 19-уй Ким хонадонида АГВ иситиш қозони қўшимча ўрнатиб ва резинка шлангга улаб ишлатилаётгани аниқланди.
4. Сирғали тумани Моний кўчаси 1-тор кўча 224-уй Раҳмонов хонадони техник ҳужжатларсиз газлаштирилган бўлиб, фойдаланилган газ учун ҳақ тўланмаган.
5. Ҳамса тумани Муруват кўчаси 35-уй Абдурахмонов хонадонида иккита иситиш печи ва ПГ-2х газ плитаси рўксатисиз газ тармоғига улаб ишлатилган.
6. Шайхонтоғ тумани 3. Қобулова кўчаси 51-уй Ҳакимов хонадонида 2 ва 4 кўзи газ плитаси рўксатисиз газ тармоғига улаб олгани учун туман газ ҳоҳимлари томонидан учирилган, лекин хонадон эгаси уларни расмийлаштириш ўрнига ўзбошимчилик билан яна қайта улаб олган.
Юқорида кўрсатилган ўзбошимчилик билан ўрнатилиб, ҳисобсиз фойдаланилаётган газ асбоблари оғоҳлантиришсиз газ тармоғидан узиб қўйилди ва ҳозирги вақтдаги нарх кўрсаткичлари бўйича сотиб олинаётган газнинг таинархи ҳисобида жарима эғиб берилди.
Ҳар бир қўшимча газ асбобини ўрнатиш учун жойлардаги туманга идораларига мурожаат қилсангиз керакли маълумотларни олсангиз ва юқорида кўрсатилгандек ҳолатга тушмайсиз.
Табиий газ бизнинг миллий бойлигимиз, ундан тежамкорлик билан оқилона фойдаланайлик.
«ТОШГАЗ» бошқармаси.

ТАШКИЛОТ
Тошкентдаги омборидан—редукторларга эҳтиёт қисмлар, барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари учун редукторлар, заводниқидан анча арзон нархларга Т-28х4, МТЗ-80 маркали тракторларнинг қлинги ва ортки кўприқларини харид қилишга таклиф этади.
Сиз учун қулай бўлган истаган усул билан ҳисоблашилган захоти моллар тўхтовсиз жўнатилади.
Телефон: 75-57-84.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир:
Анвар ЖўРАБОВ.
БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Аxbорот 36-29-89;
Тўғри муҳарририят 33-10-28.
• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев.
Навбатчи — Ф. Шермухаммад.